

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 632-ҳадис

1254/1632 – وَفِي رِوَايَةٍ أُخْرَى أَنَّهُ قَالَ: «ابْدَأَنَّ بِمَيَامِنِهَا، وَمَوَاضِعِ الْوُضُوءِ مِنْهَا»، قَالَتْ:

وَمَشَطْنَاهَا ثَلَاثَةَ قُرُونٍ.

632A.1254. Айюб Муҳаммаддан, у эса Умму Атийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларини юваётганимизда у зот ҳузуримизга кириб: **«Уни сув ва сидр билан уч ё беш марта ёки ундан-да кўп ювинглар. Охиргисида кофур ҳам қўшинглар. Фориг бўлганингизда менга маълум қилинглар»**, дедилар. Фориг бўлгач, у зотга хабар бердик. У зот бизга изорларини ташлаб: **«Уни (олдин) мана бунга ўранглар»**, дедилар».

Айюб айтади: «Ҳафса менга худди Муҳаммаднинг ҳадиси каби ҳадис айтиб берди. Ҳафсанинг ҳадисида: **«Уни тоқ ювинглар»** ва **«Уч, ёки беш, ёки етти марта»** ҳамда **«Унинг ўнг тарафидан ва таҳорат ўринларидан бошланглар»**, деганлари ҳам бор эди. Яна унда Умму Атийя: «Унинг сочларини уч ўрим қилиб тараб қўйдик», деган».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI